



“ 29 ” май 2020 у № 14

**“Саноат ишлаб чиқаришнинг физик ҳажм индексини ҳисоблаш бўйича
услугий Низом”ни тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3165-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, саноат ишлаб чиқаришнинг физик ҳажм индексини ҳисоблаш бўйича халқаро тажрибалардан фойдаланган ҳолда, янада такомиллаштириш мақсадида, Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. Саноат ишлаб чиқаришнинг физик ҳажм индексини ҳисоблаш бўйича услубий низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил 7 майдаги 20-сон “Қайта ишлаш саноати ишлаб чиқаришининг физик ҳажми индексини дефляторлаш усули асосида ҳисоблаш бўйича услубий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

Б. Бегалов